

ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна

ФарДУ доценти

Муминов Жахонгир Мадаминович

ФарДУ талабаси

Аннотация

Мақолада маънавий баркамол авлод тарбияси, унинг мазмун-моҳияти, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда ахлоқий кадриятларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар:

Баркамол авлод, маънавий-ахлоқий фазилатлар, маънавий етуклик, камолот, интеллектуал салоҳият, ахлоқий кадриятлар.

Аннотация

В статье речь идёт о воспитании духовно-гармонично развитой личности, её сущность, формирование духовно-нравственных качеств и роль нравственных ценностей.

Ключевые слова:

гармонично развитая личность, формирование духовно развитый, совершенство, интеллектуальный потенциал, нравственные ценности.

Annotation

In this article is written about the education of spiritual mature generation at the condition of citizenship society, its gist, then the importance of moral tradition.

Key words:

Mature generation, citizenship society, spiritual prominent, intellectual ability, moral traditions.

Бугунги Ўзбекистоннинг янги тараққиёт шароитида барча соҳалар ривожланишини уйғунлаштириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт яхлитлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир давр шахсни ўзининг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва маданий манфаатларидан келиб чиқиб, муайян билимлар, тамойил ва ҳуқ-атвор қоидалари асосида тарбиялайди. Бу нарса миллий тараққиётнинг ўзига хос йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ўта муҳим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[1].

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий кадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашни энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Бугунги кунда юксак маънавиятли ва ахлоқ-одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий султ, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан ҳулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Юксак

маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир” [2].

Аввало шуни айтиш керакки, маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон - комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Одамни комиллик ва мукаммаллик мартабасига кўтариш унинг маънавиятини юксалтириш демакдир. Ҳар қандай жамият таянувчи маънавий қадриятлар умуминсонийлик руҳи билан қанчалик суғорилса, шунча умрбоқий бўлади. Одам қандай хулқ, ахлоқий, маданий фазилатга эга бўлса, шундай фаолият тарзини намоён этса, унинг кадр-қиммати шунча юксак бўлади. Зеро, “маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” [3].

Модомики, камолотнинг энг юксак мезонлари одоб ва маънавиятдан иборат экан, бунда ақлий, ахлоқий, эстетик, маданий, жисмоний фаолият унинг муҳим жиҳатлари бўлиб, ўз ичига бир қатор соҳаларни қамраб олади. Дейлик, жисмоний фаолият, авваламбор касб-хунар билан шуғулланишни тақозо этади, хунар ҳам, илм ҳам одамнинг мартабасини кўтаради, обрў кел-тиради. Илм соҳиблари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Ёшларимиз-нинг чуқур илмий дунёқараш, замонавий билим, муайян касб эгаси бўли-шида уйғунликка эришиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастури руҳига сингдирилганлигининг боиси шунда.

Юқоридаги фикрлар ёшларни комил инсон этиб тарбиялашнинг ижтимоий заруриятини кўрсатади. Комил инсон шахси замирида миллий фазилатларга содиқлик, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, бегона, ёт ғоялар таъсирига берилмаслик, мафкуравий иммунитетга эга бўлиш, мустақилликка садоқат, эзгу ғоялар манфаатига хизмат қилиш, жисмоний ва маънавий баркамоллик, ақлий теранлик ва шу билан бирга, нафосат ва гўзалликка интилиш каби фазилатлар ётади.

Шундай қилиб, маънавий ҳаётда, айниқса, баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ишига эътибор ортиб бормоқда. Мустақиллик, Хотира ва кадрлаш байрамлари, "Ўзбекистон-Ватаним маним", "Офарин", "Она замин", "Ниҳол" кўшиқлар танловлари, мусиқа, театр, кино, меъморчилик, тасвирий санъат ва дизайн қадриятлари, шаҳарсозлик, қишлоқларни жиҳозлаш соҳасидаги фаолият маънавий ҳаётимизни гўзаллаштириб қолмай, бу соҳадаги фаолиятни мазмунан бойитиб, энг муносиб моддий ва маънавий мерос сифатида кадр топмоқда.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 1-том, 146-б.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. 1-том, 88-б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент, Маънавият, 2008. – Б.19.